

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**346 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш юзасидан давлат буюртмаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 15 июндаги 206-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизими такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 6 январдаги ПҚ–2717-сон қарорига мувофиқ, шунингдек замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида контрактация шартномаларининг тузилиши ва уларнинг бажарилишини ҳисобга олиш ва мониторингини олиб боришнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш юзасидан давлат буюртмаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 15 июндаги 206-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 55-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекозиқовқат-холдинг» холдинг компанияси, «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси, «Ўзагроэкспорт» АЖ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш юзасидан давлат буюртмаси параметрларининг бажарилиши мониторингининг электрон тизимини халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва жорий этсинлар.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 12 май,
271-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 12 майдаги 271-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш юзасидан давлат буюртмаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 15 июндаги 206-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Қуйидаги мазмундаги 5¹-банд қўшилсин:

«5¹. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси, «Ўзагроэкс-порт» АЖ ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси билан биргаликда ҳар йили ноябрь ойида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар ва уларни қайта ишловчи, тайёрловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар ўртасида контрактация шартномалари тузиш учун ҳудудий мева-сабзавот ярмаркалари ўтказилишини таъминласинлар».

2. Иловада:

а) 2-банднинг тўртинчи хатбошига «ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи, тайёрловчи ва экспорт қилувчи бошқа ташкилотлар» сўзлари қўшилсин;

б) 9-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат буюртмаси доирасида мева-сабзавот маҳсулотлари харид қилиш, шу жумладан ҳудудий мева-сабзавот ярмаркасига тайёргарлик қўриш даврида, шунингдек ярмаркалар оралиғидаги даврда етказиб берувчилар билан тузиладиган контрактация шартномалари асосида амалга оширилади»;

в) Низомга иловада:

VIII босқичнинг «Тадбирлар» устунидаги «Мева-сабзавот маҳсулотларини йўналишлар бўйича, шу жумладан қайта ишлаш, фамлаш ва экспорт қилиш учун харид қилиш юзасидан контрактация шартномалари» сўзлари «Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш юзасидан контрактлар» сўзлари билан алмаштирилсин»;

қуйидаги мазмундаги XI¹ босқич қўшилсин:

« XI ¹ босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси, «Ўзагроэкс-порт» АЖ	Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар ва уларни қайта ишловчи, тайёрловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар ўртасида контрактация шартномалари тузиш учун ҳудудий мева-сабзавот ярмаркалари ўтказиш	Ҳар йили ноябрь ойида	»;
--------------------------------	---	---	--------------------------	----

XV босқичнинг «Бажариш муддатлари» устунидаги «7» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин.